

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**КУШБАКОВ ДИЛШОД МУСУРМАНКУЛОВИЧ**

**ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ  
ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Кушбаков Дилшод Мусурманкулович**

Жиноят субъектининг жиноят-хуқуқий

тавсифи ва хусусиятлари ..... 3

**Кушбаков Дилшод Мусурманкулович**

Уголовно-правовая характеристика

субъекта преступления и его особенности ..... 23

**Kushbakov Dilshod Musurmonkulovich**

Criminal and legal characteristics of the

subject of crime and its specifics ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**КУШБАКОВ ДИЛШОД МУСУРМАНКУЛОВИЧ**

**ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ  
ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Yu204 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://akadmvd.uz/uz/ads/elon1911>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Отажонов Аброржон Анварович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кабулов Рустам**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Хайдаров Шухратжон Джумаевич**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 19 ноябрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akadmvd.uz](mailto:info@akadmvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1138-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2021 йил 5 ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил 5 ноябрдаги 6 рақамли реестр баённомаси).



**А.С. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
юридик фанлар доктори,  
профессор

**Дж.Х. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори, доцент

**Р. Кабулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда амалга оширилаётган самарали чоралар натижасида жиноятчиликнинг бирмунча камайишига эришилди, бироқ БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йил сентябрдаги 75-сессиясида одам савдоси, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи, экстремизм, терроризм ва бошқа ижтимоий хавфлилик даражаси ўта юқори бўлган жиноятларнинг ошиб бораётганлиги қайд қилинди<sup>1</sup>. Мазкур жиноятлар жаҳон ҳамжамиятига хавф солаётганлиги боис мамлакатларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш зарурати мавжуд бўлиб, уни амалга ошириш учун барча давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилиши, жиноятчиликка қарши халқаро ҳуқуқий нормаларининг бир хилда қўлланилиши, жиноят субъекти белгилари ягона регламентга солиниши ва ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланиши долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳолати бевосита давлатларнинг халқаро майдондаги имиджини белгилайдиган, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиш даражасини кўрсатадиган асосий мезонлардан биридир. Шу боис «жиноят субъекти» «ақли расолик», «мастлик ҳолатида жиноят содир этиш», «жиноятнинг махсус субъекти», «юридик шахслар жавобгарлиги» институтларини такомиллаштириш, жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларни аниқлаштириш, ҳар бир жиноятнинг субъектини белгилаш, жиноят субъекти билан боғлиқ жавобгарликнинг алоҳида ҳолатларини тадқиқ этишга оид муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (17, 18-моддалари)да жиноят субъектининг барча ҳуқуқий белгилари ўз ифодасини топган. Бу эса жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши ва уларга нисбатан адолатли жазо тайинланишига замин яратмоқда. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари, шаклланаётган янги ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар жиноят субъектининг тавсифи ва белгиларига оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси томонидан (2008) БМТнинг «Коррупцияга қарши» Конвенцияси (2003) ратификация қилинганлиги, бунинг натижасида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017) қонуннинг қабул қилиниши жиноят субъекти сифатида нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар ҳам тан олинishi лозимлигини кўрсатмоқда. Юқоридагилар миллий қонунчилигимизда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги (2008), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари (2017), Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> [www.unodc.org/toc/ru/crimes](http://www.unodc.org/toc/ru/crimes).

Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони (2017) ва «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарори ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда жиноят қонунининг жиноят субъектининг белгиларига оид қонун нормаларини такомиллаштириш ҳамда у билан боғлиқ бўлган қонунни қўллаш амалиётини ўрганишда муайян натижаларга эришилган.

Ўзбекистонда жиноят субъектининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари Қ.Р. Абдурасулова, Е.Г. Адеева, А.Г. Закирова, Р.А. Зуфаров, Н.Т. Исмоилов, Р. Кабулов, О.Г. Крутько, А.А. Отажонов, М.А. Ражабова, А.К. Расулев, М.Х. Рустамбоев, А.С. Якубов, Ф. Тахиров, М.Қ. Ўразалиев, М.Усмоналиев, М.К. Утениязов, Т.Х. Файзуллаева, У.Ш. Холиқулов, К.Б. Ҳакимовлар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу масаланинг жиноят-процессуал жиҳатлари З.Ф. Иноғомжонова, Б.Б. Муродов, Г. Тўлаганова, Э.Т. Шакаровларнинг илмий ишларида ёритилган.

М. Қ. Ўразалиев алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш туфайли мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг ҳолати, тузилиши ва хусусиятларини; У. Ш. Холиқулов ва Н.Т. Исмоиловлар Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш муаммоларини таҳлил қилганлар. Т.Х. Файзуллаева алкогольизм, гиёҳвандликдан мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларга нисабатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш муаммоларини, К.Б. Ҳакимов аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларни ақли норасоликдан фарқловчи жиҳатларини тадқиқ қилишган. Қ.Р. Абдурасулова жиноят ҳуқуқида махсус субъектнинг белгиларини, М.К. Утениязов вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг олдини олиш, О.Г. Крутько, Е.Г. Адеевалар жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришнинг субъекти масалаларини ўрганган.

Хорижлик олимлар В.В. Агильдин, А.О. Андросова, Н.Г. Андрюхин, А.А. Байбарин, Г.А. Варганян, О.Р. Онищенколар – жиноий жавобгарликнинг ёш чегарасини белгилашнинг амалий ва назарий жиҳатларини; С.С. Аветисян, Б. Волженкин, Д.А. Пестовлар – махсус субъект жавобгарлигининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини; А.Б. Гиоргидзе, М.Ю.Дворецкий, Р.Р. Тугушевлар – ақли расолик ва нарасолик тушунчаси ва уларнинг мезонларига оид муаммоларни, О. Гамкрелидзе, С.В. Долгова, Г.В. Назаренко, В.А. Пехтерев А.Ю. Теунаевлар – ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар

жинойй жавобгарлигининг назарий ва амалий масалаларини, А.С. Бабанов, И.Б. Бойко, А.С. Брылева, Ю.С. Вторушина, А.А. Гребеньков, А.Д. Кононов, Ю.И. Козаренколар – мастлик ҳолатида жиноят содир этишнинг ҳуқуқий белгиларини ҳамда С.Б. Айсин, В. Додонов, П.П. Иванцов, Ю.П. Кравец, Ю.Д. Михаил, И.В. Ситковский – юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини тадқиқ этган<sup>2</sup>.

Бироқ мамлакатимизда жиноят-ҳуқуқий сиёсат борасида амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини, миллий қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» (36-банди) фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноят субъекти институтини тартибга солувчи жиноят қонуни нормалари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят субъекти институтини тартибга солувчи миллий ва хорижий қонунчиликнинг ретроспектив жиҳатларини таҳлил қилиш;

жиноят субъекти институтини тартибга солувчи хорижий қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш;

жиноят субъекти тушунчаси ва белгиларини ўрганиш;

жинойй жавобгарликка тортиш ёши чегараси ва унга доир нормаларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ақли расолик ва норасолик тушунчалари ҳамда уларнинг мезонларини аниқлаш;

ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг жавобгарлигини ўрганиш, қонунни қўллаш амалиёти муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

мастлик ҳолатида жиноят содир этиш, унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда унга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

мастлик ҳолатида жиноят содир этишнинг ҳуқуқий белгиларини таҳлил қилиш ва ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноятнинг махсус субъекти тушунчаси, турлари ва жиноий жавобгарлик муаммоларини ўрганиш ва уларни баратараф этишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

махсус субъектли жиноятларда иштирокчиликнинг илмий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш;

---

<sup>2</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

юримдик шахслар жиноий жавобгарлигини ўрганиш ва жиноят қонунида тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда шахсни жиноят субъекти сифатида тан олиш борасидаги ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар тоифасини белгиловчи ва ҳуқуқий тартибга солувчи миллий ҳамда хорижий давлатлар жиноят қонунлари нормалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тарихийлик, мантикийлик, қиёсий-таҳлил, сўровнома, интервью, контент-анализ каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ақли норасо шахснинг ҳаракатига фақат содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини тасдиқловчи маълумотлар асосида баҳо берилиши, шахснинг илгари судланганлиги ёки унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланганлиги инobatга олинмаслиги лозимлиги асосланган;

вояга етмаган шахснинг жиноят ишини кўриб чиқишда назорат инстанция суди айбдорга жиноий жазо қўлламасдан ҳам уни ахлоқан тузатиш мумкин деган хулосага келса, суд қарорларини бекор қилиб, ишни тугатиб ёки уни жазодан озод қилиб, Жиноят кодексининг 87-моддасида белгиланган мажбурлов чораларидан бирини қўллаш ҳуқуқини бериш зарурати асослантирилган;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг қидирув эълон қилинган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда белгиланган тартибда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ва муассасаларга юбориш ваколатини қонун ҳужжатларида белгилаш зарурати асосланган;

шахснинг ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолганлиги жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши ва суд унга нисбатан жазо ўрнига тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқиши шартлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жиноят кодексининг «жиноят субъекти», «ақли расолик», «ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахснинг жавобгарлиги», «мастлик ҳолатида жиноят содир этиш»ни тартибга солувчи нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши жиноятчиликка қарши курашиш амалиётини яхшилаш, тергов ва суд амалиётида қонун нормаларини бир хилда қўллаш имконини беради;

Жиноят кодексининг «жиноятнинг махсус субъекти», «юримдик шахслар жавобгарлиги» масалаларини тартибга солувчи нормалар билан тўлдирилиши жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар доирасини аниқлаш ҳамда коррупция жиноятларининг олдини олишга, шунингдек жиноят қонуни нормаларининг янада либераллашувига хизмат қилади;



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги тергов ва суд амалиётининг жиноятларни квалификация қилишда қонун нормаларини қўллаш борасида мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотнинг ҳар бир боби охирида, шунингдек диссертация ишининг якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган таклифлар жиноятчиликка қарши кураш сиёсати, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш бўйича мавжуд назарий қарашларни, жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур тадқиқот натижалари доирасида ишлаб чиқилган хулосалар 2015–2020 йилларда республикамиз судларида кўриб чиқилган вояга етмаганларнинг ҳамда маст ҳолда содир этилган 125 та жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, Ички ишлар вазирлигининг статистик материаллари, 80 нафар ИИВ Тергов департаменти терговчилари, Жазони ижро этиш хизматининг 30 нафар ходимлари ҳамда 35 нафар судьялар ўртасида ўтказилган сўровлар ҳамда қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Тадқиқот ишидаги таклиф ва тавсиялар халқаро ҳужжатлар, миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда жиноятчиликка қарши кураш сиёсати, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш фанларидаги концептуал муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг ечимини топиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, соҳага доир қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш сиёсати, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш жиноят қонунининг жиноят субъекти институтини тартибга солувчи нормаларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот ишининг амалий таклиф, тавсия ва хулосаларидан жиноят қонунининг жиноят субъекти институтини тартибга солувчи нормаларини янада такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда ҳамда таълим муассасаларида жиноятчиликка қарши кураш сиёсати, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш фанларидан ўтказиладиган маъруза, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят субъекти институтини тартибга солувчи жиноят қонуни нормалари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акли норасо шахснинг ҳаракатига фақат содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини тасдиқловчи маълумотлар асосида баҳо берилиши, шахснинг илгари судланганлиги ёки унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланганлиги инobatга олинмаслиги лозимлиги ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги «Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон қарорининг 17-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 12 сентябрдаги 04/11-424-16-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши суд амалиётида акли норасо ҳолатида бўлган шахсларнинг қилмишига тўғри ҳуқуқий баҳо беришга ҳамда қонун нормаларини тўғри қўллашга хизмат қилган;

вояга етмаган шахснинг жиноят ишини кўриб чиқишда назорат инстанция суди айбдорга жиноий жазо қўлламасдан ҳам уни ахлоқан тузатиш мумкин деган хулосага келса, суд қарорларини бекор қилиб, ишни тугатиб ёки уни жазодан озод қилиб, Жиноят кодексининг 87-моддасида белгиланган мажбурлов чораларидан бирини қўллаш ҳуқуқини беришга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги «Жиноят ишларини назорат тартибда кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 11-сон қарорининг 30-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 12 сентябрдаги 04/11-424-16-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф вояга етмаган шахсга оид қонун нормаларини янада такомиллаштириш ва қонун нормаларини қўллаш амалиётида мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилган;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг қидирув эълон қилинган ва ижтимоий жиҳатдан хавfli бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда белгиланган тартибда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ва муассасаларга юбориш ваколатини қонун ҳужжатларида белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 58-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 9 сентябрдаги 26/2518-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф вояга етмаган шахсларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиш даражасини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 5 та халқаро, 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуй бўйича жами 16 та жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида 9 та (шундан 2 таси хорижда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси) қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Жинойт субъекти институтини тартибга солувчи миллий ва хорижий қонунчиликнинг ретроспектив ва замонавий таҳлили»** деб номланган биринчи бобида жиноят субъекти институтини тартибга солувчи миллий ва хорижий қонунчиликнинг ретроспектив таҳлили ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигида жиноят субъекти институтининг тартибга солиниши таҳлил қилинган.

Диссертацияда жиноят субъекти институти ривожланишининг тарихий жараёнларини бешта даврга: илк давр (милоддан аввалги III ва милодий IX асрлар); ўрта асрлар (IX–XVI асрлар); ўрта асрлардан кейинги (XVII–XX асрлар); собиқ Иттифоқ (1917–1991 йил) ҳамда замонавий (1994 йилдан ҳозирга қадар) даврларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади. Чунончи:

илк даврда милоддан аввалги бир минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихий илк ёзма манба «Авесто»да давлатларнинг бошқарув тизими, жиноят ва жазо масалалари батафсил ўрганилиб, «Авесто»да жиноят содир этган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши ва унда ёш болалар, қариялар ҳамда ёш боласи бор аёллар томонидан содир этилган қилмишлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида белгиланганлиги кўрсатилган. Қадимги Рим ҳуқуқида жиноят субъектининг жавобгарлиги шахснинг руҳияти билан боғланганлиги, унда жиноят субъекти сифатида шахснинг муайян ёшга етганлиги ва руҳий ҳолатининг тегишли даражада ривожланганлиги тушунилган. Рим ҳуқуқига кўра, шахс етти ёшга тўлиши билан унда агрессия ва ғазаб юз бериши боис, «*Malitia supplet aetatem*» (ёвузликни ташкил этувчи ёш) сифатида уни шу ёшдан жавобгарликка тортилиши қайд этилган;

ўрта асрлар даври – том маънода жиноят содир этилганлиги учун нафақат инсонлар, балки ҳайвонлар, ҳаттоки ҳашоратлар ҳам жиноят субъекти сифатида айбдор деб топилиб, жавобгарликка тортилиши лозимлигини белгиловчи қонунлар ишлаб чиқилган. Айнан шу даврда жавобгарлик ёши тўғрисидаги дастлабки қарашлар Салик (*Lex Salica*) қонунлари тўпламида таъкидланиб, жинойи жавобгарликнинг минимал ва максимал ёш чегаралари қонунчилик ҳужжатида белгиланган;

ўрта асрлардан кейинги даврда жиноят субъекти муаммоси доирасида шахс жавобгарлигининг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи элементлари фарқланиб,

хусусан, қонунчилик ҳужжатларида 17 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этилган қилмишлар жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида мустаҳкамланган, ақли расоликни инкор қилувчи ҳолатларнинг рўйхати келтирилган (7 ёшгача бўлган болалик, ақлдан озиш, телбалик, хотира ва ақлдан оздиришга сабаб бўлувчи касаллик, қариллик, лунатизм ҳамда қариллик ақли наросолик деб топилиб, бундай ҳолатдаги шахслар жавобгарликдан озод қилинган). Мазкур даврда жиноят субъекти институти ривожланиши баробарида корпорация ва жамоалар жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортилиши ҳам белгиланган;

собик Иттифоқ даврида вояга етмаган шахслар содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилмайдиган ва уларга нисбатан тарбиявий хусусиятга эга бўлган мажбурлов чоралари белгиланиши ҳамда уларнинг жиноят ишлари «Вояга етмаганлар комиссиялари»га топширилиши лозимлиги белгиланган. Жиноят субъекти тушунчаси қонунда белгиланмаган, бироқ унда вояга етмаганлар жавобгарлигини белгиловчи мустақил нормалар назарда тутилган ҳамда жиноятларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлик белгиланишининг ёш чегаралари фарқланган;

замонавий давр мустақил Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилиниши билан бошланди ва унда «Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар» деб номланган мустақил бобда жиноят субъектини жавобгарликка тортишнинг минимал ёши, ақли расолик ва наросолик ҳамда мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик масалалари тартибга солинди.

Тадқиқот ишида хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жиноий жавобгарликка тортиладиган шахсларнинг ёш чегарасини белгилашга оид ёндашувлар кўрсатилганлиги таъкидланиб, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигига асосан ёш чегаралари қонунда кўрсатилган жиноят субъектининг энг кичик ёшини белгилашда (7–10 ёшдан 16–18 ёшгача бўлган) жиддий фарқлар кузатилиши, жумладан, жиноят субъектининг энг кичик ёши, масалан, Ирландияда – 5, Швейцария Конфедерациясида – 7, Шотландияда – 8, Янги Зеландия ва Англияда – 10, Туркия Республикасида – 11, Канадада – 12 ёш этиб белгиланган. АҚШда эса вояга етмаганлар ишлари бўйича суд юрисдикциясига 6–12 ёшдаги, максимал даражаси эса 15–17 ёшдаги шахслар киритилиши асосланган. Мазкур масала бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амал ошириш ҳақидаги минимал стандарт қоидалари<sup>3</sup>да (Пекин қоидаларининг 4-банди) шахснинг айбли, жавобгарликка қодирлик ёши учун универсал мезон сифатида унинг ҳиссий ва ақлий етуклиги белгиланганлиги ҳам кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Жиноят субъекти белгиларининг назарий ва жиноят-ҳуқуқий таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида жиноят субъекти тушунчаси ва белгиларининг назарий-ҳуқуқий таҳлили, жиноий жавобгарлик белгилашнинг ёш чегараси ҳамда унга доир нормаларни такомиллаштириш, ақли расолик ва

---

<sup>3</sup> Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/beijing\\_rules.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml).

ақли норасолик тушунчалари ҳамда уларнинг мезонлари ва ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахслар жиноий жавобгарлигининг назарий ва амалий масалалари таҳлил этилган.

Муаллиф қонунда жиноят субъекти тушунчасининг берилмаганлигини танқид қилиб, қонунни қўллаш амалиётида унга эҳтиёж борлигини таъкидлаб, амалдаги Жиноят кодексида жиноят субъекти тушунчаси берилиши лозимлигини асослантирган.

Тадқиқотчи ушбу бобда шахс ривожланишнинг ақлий, иродавий ва шахсий даражаси ҳамда жазонинг мақсадига эришиш нуқтаи назаридан жиноий жавобгарликнинг паст чегарасини белгилаш учун ўн тўрт ёшга тўлганликни энг мақбул деб ҳисоблайди ва амалдаги Жиноят кодексида жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшнинг минимал чегарасини қатъий равишда ўн тўрт ёш этиб белгилаш мақсадга мувофиқлигини асослантирган.

Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш хизмати ходимлари (30 нафар) ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, сўралганларнинг 96 фоизи жиноий жавобгарлик ёшени камай-тиришга қарши эканликларини маълум қилишган. Уларнинг таъкидлашларича, ёш болалар рухий ҳолатининг чекланганлиги ва юқори эҳтимоллик сабабли содир этган жиноий хатти-ҳаракатларининг асл моҳиятини тушунмайдилар. Бундан ташқари, шахснинг эрта ёшдан жиноий жавобгарликка тортилиши уни тезроқ жиноийлашишига ва жиноий унсурларни ўзлаштиришига имкон беради. Мазкур фикрларнинг психологлар томонидан ҳам тасдиқлангани кўрсатиб ўтилган.

Диссертацияда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, ёши улуг инсонлар манфаатларини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, жиноят қонунида кекса ёшдаги шахслар томонидан содир этилган жиноятларни жазони енгиллаштирувчи ҳолати сифатида назарда тутиш (оғир ва ўта оғир жиноятлар бундан мустасно) лозимлиги исботланган.

Бундан ташқари, ишда ақлий ривожланиши суст бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масалалари таҳлил қилинган, бу борада мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни батараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, яъни ақлий ривожланиши орқада қолган шахслар ақли норасолар билан тенглаштирилмайди, чунки улар ақли расо ҳисобланадилар. Қолаверса, аксарият ҳолларда бундай шахслар муайян бир қилмиш содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаслиги ёки бошқара олмаслиги ҳам мумкин. Аммо мазкур масала амалдаги қонунчиликда тартибга солинмаганлиги сабабли муаллиф Жиноят кодексини қўйидаги мазмундаги нормалар билан тўлдириш лозимлигини асослантирган:

«Агар шахс ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ёшга тўлган, бироқ жиноят содир этиш вақтида рухий ҳолати бузилмаган ҳолда ривожланишида ўз ёшига нисбатан орқада қолганлиги туфайли ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган бўлса, жавобгарликка тортилади.

Шахснинг ривожланишида ўз ёшига нисбатан орқада қолиши жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади. Бундай шахсга

нисбатан суд жазо ўрнига тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқиши шарт.

Агар ривожланишида ўз ёшига нисбатан орқада қолган шахс жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди».

Диссертация ишида ақли норасоликнинг юридик мезонлари ўрганилиб, изланувчи томонидан ақли норасоликнинг юридик мезонларига қуйидаги белгилар киритилган: шахс томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркиби объектив томонини ташкил қилувчи қилмишларнинг содир этилганлиги ва унинг мазкур жиноят учун қонунда белгиланган жавобгарлик ёшига тўлганлиги; ижтимоий хавфли қилмиш фактини шахс содир этилган қилмишининг аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган вақт билан мос келганлигини англатади; шахснинг ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англай олмаганлиги ҳамда шахснинг ўз ҳаракатларини бошқара олмаганлиги ҳисобланади деган қонундан белгилаш мақсадга мувофиқ ҳолатини киритиш зарурлигини асослантиради.

Жиноят субъектининг мустақил белгилари ҳисобланган ақли расолик ва ақли норасолик масалаларини Жиноят кодекси Умумий қисмининг битта моддасида белгиланиши, жиноят қонуни нормаси тузилишининг мантиқий талаблари бузилишига ва қонунчилик техникаси қоидаларига зид равишда икки ҳуқуқий ҳодиса аралашиб кетишига ҳамда уларни амалда қўллаш имкониятларини мураккаблаштиришга олиб келади. Шунингдек ақли норасоликни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш нуқтаи назаридан мустақил нормада баён қилиш ва уларнинг таърифини бериш зарурлиги асослантирилган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида шахснинг руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги, руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги ёхуд бошқа ҳолатлар сабабли ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс суд-психиатрия экспертизаси хулосаси асосида суд томонидан ақли норасо деб топилиши тўғрисида муаллиф тегишли ҳолосага келди.

Шунингдек, диссертант томонидан ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги ва бундай шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкинлиги, ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ақли расо бўлган, бироқ суд ҳукми чиқарилгунига қадар ёки ундан кейин руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахсга нисбатан суд жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаши, башарти шахс даволангандан сўнг белгиланган жазо муддатини ўташи лозимлиги ҳақида хулоса қилинган.

Чекланган ақли расолик қуйидаги белгиларига кўра ақли норасоликдан фарқланиши, яъни чекланган ақли расолик ҳолатида бўлган шахс: жиноят содир этаётган пайтда ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг аҳамиятини тўлиқ англаб етмайди ёки бошқара олмайди, ақли норасо шахслар умуман бунга қодир бўлмайдилар; ақли норасоликнинг тиббий мезонлари руҳий ҳолатнинг

бузилишига олиб келувчи турли рухий касалликлар ҳамда рухий ҳолатнинг патологик бузилишларини назарда тутаяди, чекланган ақли норасоликда рухий ҳолат бузилиши патологик хусусиятига эга бўлмайди, чекланган ақли расолик ҳолатида бўлган шахсларга жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин, ақли норасо шахслар эса жавобгарликка тортилмайди, уларга нисбатан жазо эмас, фақат тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши кераклиги юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Жиноят субъектига оид жавобгарликнинг алоҳида ҳолатлари: ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштириш масалалари**» деб номланган учинчи бобда мастлик ҳолатида жиноят содир этиш, унинг ҳуқуқий оқибатлари, унга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш, жиноятнинг махсус субъекти тушунчаси ва уларнинг жиноий жавобгарлиги, юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Ушбу бобда қонунни қўллаш амалиётида мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳам унга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини янада такомиллаштириш мақсадида изланувчи амалдаги Жиноят кодекси 19-моддасини қуйидаги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келган (ушбу таъриф анкета сўровида иштирок этган 80 нафар (ИИВ Тергов департаменти терговчилари) респондентларнинг 79 фоизи томонидан маъқулланган):

*«Жиноят содир этиш вақтида шахснинг алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши ёки улар таъсирида организмнинг психофизиологик функциясининг бузилиши мастлик ҳолати деб топилди.*

*Мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди.*

*Ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида патологик мастлик ҳолатида бўлган шахс, агарда ўз қилмишининг ижтимоий хавfliлигини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган бўлса, жавобгарликка тортилмайди».*

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1-сон қарорини қуйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқлиги асослантириб берилган. Яъни:

*«Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд содир этилган жиноятнинг ҳамда шахснинг хусусияти ва мастлик даражасини ҳисобга олади.*

*Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят жазонинг оғирлаштирувчи ҳолати деб топилганда, жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг ижтимоий хавfli қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан кам бўлмаслиги керак.*

*Алкоголь мастликнинг енгил, ўрта ва оғир даражалари фарқланади.*

*Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 0,5дан 1,5 промиллегача ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи*

0,15 дан 0,3 миллиграммгача миқдорда аниқланган бўлса, бундай ҳолат енгил даражадаги мастлик ҳолати деб топилади.

Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 1,5дан 3 промиллегача ва ундан ортиқ бўлса ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,3дан 0,5 миллиграммгача миқдорда аниқланса, бундай ҳолат ўрта даражадаги мастлик ҳолати деб топилади.

Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 3 промилле ва ундан ортиқ бўлса ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,5 миллиграмм ва ундан ортиқ миқдорда аниқланса, бундай ҳолат оғир мастлик ҳолати деб топилади.

Инсон организмида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларнинг мавжудлиги мастлик ҳолатини келтириб чиқаради».

Муаллиф шахс алкоголь маҳсулотини, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни ихтиёрий равишда истеъмол қилиши натижасида жиноят содир этган бўлса, бундай мастлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозим, агар шахс бундай ҳолатга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш оқибатида келган бўлса, унда мазкур вазият жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралмаслиги асослантирилган.

Диссертацияда жиноятнинг махсус субъекти алоҳида аҳамиятга эгаллиги, шахсни жиноятнинг махсус субъекти деб ҳисоблаш учун субъектнинг зарурий белгилари билан бирга (ёш, ақли расолик) албатта бошқа белгилари ҳам бўлиши кераклиги, бундай белгисиз шахснинг тегишли норма билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Муаллиф жиноятнинг махсус субъектига: жиноий жавобгарлик ёшига тўлган ақли расо, Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган қўшимча белгиларига эга бўлган ёки ушбу Кодекс моддаси диспозициясида қайд этилган қилмишни ҳуқуқий жиҳатдан шарҳлаш натижасида аниқланадиган ёхуд бошқа қонун ҳужжатлари нормаларида назарда тутилган белгиларига эга бўлган шахс тушунилади, деб таъриф берган.

Тадқиқот ишида юридик шахслар Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида фикр билдирилиб, содир этилган жиноий қилмиш юридик шахснинг бошқарув органи қарорига биноан эмас, балки унинг мансабдор шахси ёки ходимининг жиноий нияти билан қамраб олинганлиги, башарти у ташкилот учун бирон-бир имтиёз ёки афзалликларни олиб келмаса, бундай қилмиш учун юридик шахс эмас, балки уни содир этган шахслар жавобгар бўлиши асослантирилган.

Муаллиф шахс алкоголь маҳсулотини, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни ихтиёрий равишда истеъмол қилиши натижасида жиноят содир этган бўлса, бундай мастлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозим, агар шахс бундай ҳолатга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш оқибатида келган бўлса, унда мазкур вазият жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралмаслиги асослантирилган.



Диссертацияда жиноятнинг махсус субъекти алоҳида аҳамиятга эгаллиги, шахсни жиноятнинг махсус субъекти деб ҳисоблаш учун субъектнинг зарурий белгилари билан бирга (ёш, ақли расолик) албатта бошқа белгилари ҳам бўлиши кераклиги, бундай белгисиз шахснинг тегишли норма билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Муаллиф жиноятнинг махсус субъектига: жиноий жавобгарлик ёшига тўлган ақли расо, Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган кўшимча белгиларига эга бўлган ёки ушбу Кодекс моддаси диспозициясида қайд этилган қилмишни ҳуқуқий жиҳатдан шарҳлаш натижасида аниқланадиган ёхуд бошқа қонун ҳужжатлари нормаларида назарда тутилган белгиларига эга бўлган шахс тушунилади, деб таъриф берган.

Тадқиқот ишида юридик шахслар Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида фикр билдирилиб, содир этилган жиноий қилмиш юридик шахснинг бошқарув органи қарорига биноан эмас, балки унинг мансабдор шахси ёки ходимининг жиноий нияти билан қамраб олинганлиги, башарти у ташкилот учун бирон-бир имтиёз ёки афзалликларни олиб келмаса, бундай қилмиш учун юридик шахс эмас, балки уни содир этган шахслар жавобгар бўлиши асослантирилган.

Тадқиқот ишида юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги масаласида юридик шахсни жиноят субъекти сифатида эмас, балки унга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга доир қуйидаги хулосага келинган: Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ мамлакат ҳудудида ташкил этилган юридик шахслар (давлат органлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари бундан мустасно), хорижий юридик шахслар, халқаро ташкилотлар, шунингдек хорижий юридик шахс ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритадиган алоҳида бўлинмаларига нисбатан белгиланган тартибда жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Бинобарин, юридик шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асосларини шакллантиришда жиноятнинг юридик шахс манфаатлари йўлида содир этилганлиги аниқланиши лозим (ушбу таъриф анкета сўровида иштирок этган 30 нафар респондентларнинг 92 фоизи томонидан маъқулланган).

Бундан ташқари, жиноят содир этишда айбли, деб топилган юридик шахсларга нисбатан жарима, лицензия, квота, преференция ёки имтиёзлардан маҳрум қилиш ва юридик шахсни мажбурий тугатиш жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги асослантирилган.

## ХУЛОСА

Жиноят субъектининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги таклиф, тавсия ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган:

